

Чет элликлар учун қонуний ажралиш жараёни

1. Эътиrozсиз ажралиш ва қонуний ажралиш

- Корея Республикаси қонунига асосан, ажралишнинг икки хил тури мавжуд: Эътиrozсиз ажралиш ва қонуний ажралишдир.
- Агар эр-хотинларда ажралиш бўйича ўзаро келишув бўлиб, улар қармоғида бўлган бола ёки болаларга васийлик қилиш ризолик билан амалга оширилса, улар эътиrozсиз йўли бўйича ажралади.
- Агар эр-хотинлар ўзаро дўстона келишув билан ажралишмаса, улар эътиrozсиз ажаралиш йўли билан кета олмайди. Эр-хотинлар Судга ажратиш бўйича ҳужжат ёки ариза билан мурожаат қилишлари керак бўлади.

2. Қонуний ажралиш ҳужжатлари

- Келишувлар бўлмаган ҳолда, ўзлари, мол-мулқлари, қармоғидаги болаларга васийлик қилиш, уларни йўқлаш бўйича, ўзаро муаммоларига қараб, оила судига ҳужжат топширишлари зарур.
- Қонуний ажралишда, бирор бир шахс ажралишдан ташқари мол-мулқни ҳам бўлиш бўйича мурожаат қиласидилар. Агар улар бу тарзда мурожаат қилмасалар, Судья бундай шароитни мухокама қилмайди.
- Мол-мулқни бўлиш талаби руҳий зарар учун молиявий компенсациясини ҳам ўз ичига олиб, никоҳни бузган инсон томонидан амалга оширилади.

- Мол-мулкни ажратиш талаби, эр-хотинлар мулкини ажралиш вактида, никоҳлари бўлган кундан бошлаб биргаликда тўплаган мулкни иккига бўлиш ҳисобланади.
- Агар ажрашмоқчи бўлган эр-хотин қамровида бола/ болалар бўлса, улар болаларга ғамхўрлик қилиш, “уларга ёрдам бериш”, ва улар билан учрашиб туриш ҳақида қарор қабул қилиб оладилар.

3. Қонуний ажралиш учун сабаблар

- Корея республикасининг 840 моддасига асосан, бирор бир шахс қўйидаги сабаблардан бирортаси билан ажрашмоқчи бўлса, ҳужжатларини топширишлари мумкин.

Фуқаролик қонунинг 840 моддаси (қонуний ажралиш бўйича сабаблар)

Эр ёки хотин ажралиш учун ҳужжатларни, оила судига қўйидаги сабаблар бўлгандагина юборишлари зарур.

1. Агар эр ёки хотинлардан бири бир-бирига сабабсиз нотўғри ҳаракат қилган бўлса.

2. Агар эр ёки хотин улар учун муҳим вактда ташлаб кетган бўлса.


3. Эр ёки хотиннинг оиласи томонидан, уларнинг бири сабабсиз бир неча бор шикастланган бўлса.

Агар эр ёки хотин томонидан уларнинг оиласига бир неча марта, бесабаб шикаст етказилган бўлса.

5. Агар эр ёки хотинлардан бир З йил давомида номаълум ҳолда йўқолган бўлса.

6 Агар турмушни давом эттирувчи бошқа асосий сабаблар бўлмаса.

4. Суд ишлари ва Ариза процедураларининг қисқача баёни



5. Конуний Ажралиш жараёни

A. Даъво нусхасини жўнатиш

- Даъвогарнинг ажралиш тўғрисидаги шикояти топширилганда, суд жавобгарга унинг нусхасини жўнатади. Айборнинг манзили аниқ бўлмаган ҳолда, даъво маълум шароитлар остида, натижа бериши учун оммавий эълон қилинади

B. Суд қарорига қаршилик кўрсатиш ва талаб

- Хужжатлар ёки аризаларни топширишдан олдин, шошилинч ҳолатларда ҳимоя суд хукми талаб қилиниши мумкин.
- Суд ҳимоя остидаги хукм масалаларини ўз ҳолича шахснинг талабларини ҳисобга олмасдан ҳам амалга ошириши мумкин.
- Ҳимоя суд хукми қўйидаги ҳолатларда тақдим этилиши тавсия этилади.
 - Томонлардан бири иккинчи томонни қаматиш ниятида бўлса
 - Томонлардан бири молиявий ёки ўз қамроғидаги болаларни васийликка олиш ниятида ариза берган бўлса.
 - Болалар билан учрашиб туриш талаби бўлса.
- Ёпик хукм тартибига асосан, шошилинч эътироҳ ҳукм эълон қилинганидан 7 кун кейин топшириши мумкин. Ушбу қарор у тугатилгандан кейингина кучга киради.
- Оила суди, суд тартибини бузган тақдирда шахсга \10,000,000 миқдорида бадал тўлайди.

C. Судга ариза бериш

- Даъвогар шикоятининг нусхаси жавобгарга юборилса, судья ариза ёзиш вақтини танлайди ва белгилайди. Ариза ёзиш пайтида, шахснинг ўзи иштирок этиши лозим. Фақатгина унинг иштирокини чекловчи узрли ҳолатлардагина қатнашмаслиги мумкин. Агар шахс чақириқ қофозида белгиланган вактда ҳеч қандай узрли сабабларсиз келмаса, суд \500,000 ларча бадал тўлашлари мумкин.
- Судга мурожаат қилинган кундан бошлаб, ҳар иккала томон ўзларининг баҳсли далиларини ҳимоялайдилар (масалан, қонуний ажралишнинг далилли сабабини), буларга тегишли ҳужжатларни топширадилар ва гувоҳлик текшируви сифатида ҳар бир далиллар кузатилади.
- Фуқаролик ишларидан фарқли ўлароқ, улардан бири ажралишга даъво қилса, бу - ажралиш ишларига имкон яратади. Оила суди шахс томонидан баҳсласилемаган фактларни ҳам суд асослари бўйича ҳисобга олишлари мумкин. Шахслар тергов далиллари ёки тергов гувоҳлари учун фактларни қўллашлари лозим. Ҳар қандай вактда суд шахсга ёки юридик шахсга саволлар бериши мумкин.

D. Оила тергови.

- Судья оила терговчисига оила текширувини шикоят берилган кундан бошлашини буориши мумкин. Оила тергови ариза бериш жараёнида амалга оширилиши мумкин.

- Оила терговчиси текширув ишларини оила бузилиши сабаблари, шунингдек унинг таълими, фаолияти, яшаш тарзи, ўзига хос шароитлари, ўзига хос хусусиятлари, оилавий муҳити, руҳиятига тегишли шахсий асослар, ижтимоий, иқтисодий келиб чиқиши ва касбий маҳорати ҳақидаги далиларни йиғищдан бошлайди.
- Оилавий терговларнинг асосий моҳияти қўйидаги рўйхатда келтириб ўтилган:
 - Фактларни текшириш: Никоҳнинг бузилиш сабаблари, эр/хотинни биргаликда тўплаган мулклари, уларнинг қамроғидаги бола/болаларга васийлик қилиш шароити ва бошқалар.
 - Ариза топшириш тадбирлари: Оила терговчиларининг тўғридан тўғри ёки бирлашган кучлари, руҳий даъволаш, гиёвандликни даъволаш, қимор ўйинларини бартараф этиш амалиёти ва бошқаларни ўз ичига олади.

E. Ариза бериш

- Ариза билан мурожаат қилиш кунида, шахснинг иштироки зарурдир. Белгиланган қонуний вакил бирга келиши мумкин.
- Ариза билан мурожжат қилган кундан бошлаб, ҳар икки томон қонуний ёки ариза қўмитаси тавсияларига биноан, ўзаро дўстона келишув асосида яратилади. Ариза ташкиллаштирилгандан кейин, суд, ҳар иккала томонларнинг розилигини таъминлаган аризани ўз ичига олган баённомани ташкиллаштиради ва юборади.

- Аризалар ёзилмаган ҳолатда “аризани ўрнини босувчи (мажбурий аризалар)” бошқа жараёнларни амалга ошириш буорилади. Агар ҳар иккала томон мажбурий аризалар юборилгандан кейин 14 кун ичидаги эътироҳ билдирилмасалар иш ёпилади.
- Ариза баённомаси ёки мажбурий аризанинг охирги қарорлари хукмда бир хил кучга эгадир. Натижада, ариза ёзилганда шахслар эътироҳ билдира олмайдилар.


F. Молк-мулкка эгалик қилиш бўйича келишув тартиби

- Ҳолат учун жавобгар Судья иш жараёнида қарор чиқариш учун эр/ хотиннинг мол мулкка эгалик қилиш талаблари ҳакида сўров ўтказиши мумкин.
- Агар шахс мол-мулкка эгалик қилиш тўғрисидаги буйруқни олгандан кейин, 2 ҳафта ичидаги эътироҳ билдирилмаса, юқорида қабул қилинган қарор ёпилади ва суд иши хулосасига сабаб бўлади.
- Агар мол-мулкка эгалик қилиш бўйича қарор тасдиқланса, шахс унга эътироҳ билдира олмайди.

G. Ёпилган иш

- Судья ҳолатнинг якунига боғлиқ сўровномадан кейин айловни эълон қиласади.

H. Эътироҳ билдириш процедураси



- Томонлар биринчи суд қарорини олгандан кейин икки ҳафта ичига эътиroz билдиришлари зарур. Эътиroz бўлган вақтда, аппеляция формаси охирги қарор қабул қилган судга берилиши зарур.
- Эътиrozлардаги қарорлар чиқарилгунча, бошқа бир эътиroz 2 ҳафта ичига олий судга юборилиши мумкин. Олий Судга юборилаётганда, эътиroz аризаси аппеляция судига юборилади.
- Агар эътиroz шикоятномаси суд иши қарори муддатидан кечиккан бўлса ёки эътиroz аризаси узокроқ муддатда аппеляцияни амалга оширган ҳолда тугатилган бўлса, шунингдек эътиroz юқорироқ судга юборилган бўлса эътиroz хати ҳисобга олинмайди ва иш ёпилади.
- Агар суд иши очик ҳолда юритилса, жавобгар, эр/хотин узрли сабаблар билан аппеляция муддатига қарши бўлса, бу ҳолатда айбдор ажралиш қарорини айблов тугатилгандан кейингини амалга ошириши мумкин.
- Агар сўроқ вақтида муайян талаблар унчалик аҳамиятсиз ҳисобланиб, қолдирилса, шахс судни қайта кўриш тўғрисида талаб қўйиш хукуқига эга.

I. Суд қарори Эълон қилиниши.

- Қарор ёки ариза ҳолатидаги оила муносабати гувоҳномасида ўзаро дўстона муносабатларни ташкиллаштириш учун: шахс қарор гувоҳномасини, юборувчи ва тасдиқланган гувоҳномаларни маҳаллай ҳокимиятлардан, қарор қабул қилингандан бир ой кейин ўтказишлари талаб қилинади: ёки судга берилгани ҳақидаги баённомасини регистрация қилиш учун, маҳаллий органларга тегишли бўлган илк ҳужжатлар

билин қўшиб, судга мурожаат қилингандан кейин 1 ой ичида амалга оширилади.

- Охирги хулоса гувоҳномаси ва жўнатиш гувоҳномаси ўзингиз мурожаат қилган суд томонидан таъминланади.

6. Натурализация ва яшаш жойларига эга бўлиш ҳуқуқи

- Судья натурализация ва яшаш жойларига эга бўлиш ҳуқуқини бера олмайди. Бу каби муаммоларни бартараф этувчи - Суд департаментининг ҳуқуқларни ҳимоя қилиш органлари хисобланади.
- Фуқароликни олиш ва яшаш турар манзилларга эга бўлиш ҳақидаги маълумотлар учун, илтимос Корея миграция органининг www.immigration.go.kr сайтига киринг.

7. Чет элликлар учун хизматлар изохи

A. Чет элликлар учун таржима қилиш манбалари

- Оила суди чет элликларни Кореяга фойда олиб келувчи ҳеч қандай асосларсиз, қонунда белгиланган тушунтиришлар ва солик тўловлари бўйича қўллаб -кувватлайди. Агар суд кунида таржимон билан келишга қурби етмаса, улар суддаги таржимонга ёзма ариза беришлари керак.

B. Юридик ёрдам

- Юридик вакил ёллашга қурблари етмаган инсонлар учун давлат томонидан молиявий кўмак билан таъминлаш тизими жорий этилган. Агар юридик ёрдам талаби исботланса, яъни тасдиқдан ўтса, ҳокимият томонидан маълум миқдорда маблағ тўланади.
- Юридик ёрдам тўлов масалаларига ганорар штампи, юридик харажатлар, таржимон ганорари, экспертиза баҳоси, адвокат компенсациясиюни ўз ичига олади.

С. Юридик ёрдам бўйича хорижликларга адвокатни тайинлаш

- Сеул оила суди Сеул Адвокат ассоциацияси ҳамкорлигида юридик ёрдам адвокат тизими ташкиллаштирилган. Ушбу маълумотларга тегишли мавзу бўйича хорижликлар ариза топширсалар, суд “хорижликларни қўллаб қувватлаш юридик аъзолари” билан юридик ёрдамни тасдиқлаш ёки белгиланган адвокатга мурожаат қилиш масалаларини яхшилаб тушунтиради.
- Хорижликларни юридик қўллаб-қувватлашдаги адвокатларнинг жорий этилган тизими амалиёти билан бирга юридик ёрдам бўйича консультация хизматлари ҳам ташкиллаштирилган.